

ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИ ВА ТАСВИРИЙ САНЪАТ ФАЛСАФАСИ

Низомий номидаги ТДПУ доценти,
ф.ф.н.Эшанова Гулчехрахон Нумоновна

АННОТАЦИЯ

Суфийлар инсоннинг зоҳирий эмас, ботиний камолотига энг кўп эътибор берганлар. Шу маънода ислом бадий санъатида инсонни тасвирлаш масаласида асосий гўзаллик маънавий гўзаллик бўлган. Исломда рамзий, фалсафий белгилар, шакл ва услублар асосида миниатюра ва ҳаттолик, меъморчилик ва наққошлик санъатлари кенг ривожланди. Мусулмон маданиятида инсон гўзаллигини тасвирлаш масаласига Шарқнинг буюк мусаввири Камолиддин Бехзод ўзига хос янгича ижодий услубда ёндашади. Бехзоднинг диний асарлари ғояси бевосита тасаввуф ғоясидан олинган эди.

Бугунги кунда миллий ва диний кадрятларимизни асраб авайлаш, ажодларимизнинг бебаҳо меросини ўрганиш, ҳамда улар асосида ёшларни қишлоқ инсон этиб тарбиялаш жамиятимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ислом дини кўп асрлик маданиятимиз ва кадрятларимизни сақлаб қолиш ва кенг ёйишда санъат воситасига асосланганлигидир.

Тасаввуф фалсафаси аввало ислом кадрятларини бир тизимга солгани ва санъатга ошно бўлганлигидир.

Тасаввуфнинг борлиқ ҳақидаги таълимоти пантеистик ҳарактерга эга

бўлиб, шарқ фалсафасида икки шаклда мавжуддир: биринчиси, “ваҳдат ул-вужуд”, иккинчиси, “ваҳдат ул-мавжуд”. “Ваҳдат ул-вужуд”нинг асосий тамойилига кўра, Худо ягона, ҳақиқий борлиқ бўлиб, қолган ҳамма нарсалар унинг шуъласи, нуридир. Аллоҳ бутун гўзаллигини, кам олотини, куч-қудратини борлиқда намоеън этади, одамзот ҳам Аллоҳнинг нури таъсирида жилваланади. “Ваҳдат ул-вужуд”га кўра, инсон гўзаллиги ҳам Унинг жамолининг жилваси, деб таълим берилади. Шу боис улар ҳурмат-эҳтиромга, қадрлашга лойиқ. Инсонга муҳаббат Аллоҳга муҳаббатни англатади. Сўфийларда моддий дунё гўзаллиги инкор этилмайди, аммо моддий дунё қимматли эмас. Қадрият сўфийлар назарида руҳийлик, Илоҳийлик билан боғлиқдир. Руҳсизлик – хунуқлик, ўткинчилик, фонийлик. Абадий нарса руҳдир ва шу сабаб у қимматлидир, гўзалдир¹.

Кўпгина тасаввуф шунос мутафаккирларнинг диний фалсафий қарашлари бевосита дин ва тасвирий санъатга алоқадордир.

Ибн ал-Арабийнинг фикрича, инсон Худони кўришни истаса, ўзини ўзи такомиллаштириши лозим. Бу ғоя тасаввуф назариясининг асосини ташкил қилган ҳурфифрилилик эди.

VIII-XI асрларда суфийлик адабиёти ривожланиб, унда ўзига хос образлар, тимсоллар, рамзлар ва ифода усуллари шаклланди. Тасаввуфнинг илоҳий муҳаббат ҳақидаги концепцияси, ғоялари бадий ижодкор аҳлини руҳлантирди. Тасаввуфнинг бадий ижод билан руҳан яқинлиги ислом маданиятида адабиёт ва санъатининг ривожланишига тўртки бўлди. Чунки дин ҳам, санъат ҳам инсон руҳиятига бевосита таъсир кўрсатади.

Ислом дини қадриятларининг моҳиятини очишда энг муҳим нарса – инсон руҳини такомиллаштирувчи дин бўлгани учун реалистик тасвирлар диннинг моҳиятини очиб беролмасди. Чунки, ислом маданиятида тасвирий

¹ Қаранг: Комилов Н. Тасаввуф. Ёзувчи. – Тошкент: 1996. – Б. 155-156.

санъатта муносабат Аллоҳ қиёфаси, унинг бадий ифодаси масаласини ойдинлаштиришдан келиб чиқади. Айрим илоҳиётчилар Худони антропоморфизм (одам сифатида) руҳида талқин қилишга ва одамга хос сифатларни беришни инкор қилиб, уни соф, танасиз руҳ сифатида талқин қилганлар.

Маълумки, муътазиллийлар Қуръон оятларини далил қилиб олиб, ўз қарашларини билдиришган. Улар антропоморфизмни инкор этганлар. Шунингдек, Муътазиллийлар Худонинг моҳияти ҳақидаги илмни “маъна” деб атаганлар. Масаланинг бу тарзда қўйилиши илоҳий ҳодисаларни маънавий соҳасига қўчиришга имкон яратган.

Ўзига хос сирли, рамзий, чуқур фалсафага эга шакл ва услублар топиш керак эди. Шунинг учун тасвирий санъатнинг миниатюра ва ҳаттоғлик, меъморчилик, наққошлик турлари рамзийлик асосида шаклланди. Унга кўра, гўзаллик, кудрат, поклик, хайрат, ғайрат, шижоат ва ҳаёт нафосати ҳам – ҳаммаси Аллоҳданлигини ҳис қила олиш суфийнинг эстетик дунёсини бойитади. Ислом динига кўра “Кимки ўзини таниса, Раббисини танийди”, деган ҳадис мазмунидан келиб чиқади”².

Ислом дини инсоннинг тафаккури гўзаллиги, маънавий, руҳий гўзаллиги ислом эстетикасининг асосини ташкил этади. Тасаввуф таълимотида бутун дунё Аллоҳнинг ижоди, сифатларини намойиш этиб турадиган кўзгу, оламдаги барча гўзалликлар, ранглар Унинг ижодидир, қароматидир, бутун борлик, дунё Аллоҳнинг кўзгусидир, деб қаралди.

Аллоҳнинг исми ва сифатлари унинг буюклиги, улуғлиги, кудратчилиги, гўзаллигини рамзий тимсоллар орқалигина тасвирлаш мумкин эди. Ибн ал-Арабий Қуръони каримда Худонинг 99 та исми мавжудлиги ва инсон уларни сифатланиши орқали англаши мумкинлиги ҳақидаги фикрни айтади. Бу ғоя

² Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Ёзувчи, 2009. – Б. 41.

исломнинг буюк мутафаккири Абу Ҳомид Ғаззолийнинг қарашларида ривожлантирилиб, шундай изоҳланади. “Аллоҳ ҳамма учун сеvimлидир, чунки Унда инсон тасаввуридаги барча эзгуликлар, инсонни ўзига тортувчи, муҳаббатига сабаб бўлувчи жамики сифат ва хислатлар мавжуд Жумладан, инсон ўзига яхшилик қила оладиган саховатли одамларни, адолатли шохларни, шунингдек, барча гўзал нарсалар, нафосат олами, хушбўй, хушсурат нарсалар ҳам сеvimли бўлиб, саҳийлар сиймосида саховатни, одиллар сиймосида адолатни, қаҳрамонлар сиймосида қаҳрамонликни сеvamиз”³. Барча эзгу ва яхши сифатлар эгаси Аллоҳни севиш, унга интилиш орқали инсон комилликка интилади. Юқоридаги диний-илоҳий қадриятлар тизими тарзида намоён бўлади.

Тасаввуф таълимотида инсон маънавий камолот йўлини босиб ўтса, комил бўлади, комил инсонгина Худога етишади, деб таълим беради.

Ибн ал-Арабий, ўзингни англаган, Худони англайсан, маъносида фикр билдиради. Унинг бу фикрлари тасаввуф назариясининг асосий ғояси бўлиб хизмат қилди. Суфийлар инсоннинг зоҳирий эмас, ботиний камолотига энг кўп эътибор берганлар. Шу маънода “Илоҳиёт атрофидаги барча нарсаларда зуҳр этар экан, у инсоннинг қалбида ҳам ўз аксини топади”⁴, дейилади тасаввуф таълимотида.

Ислом бадий санъатида инсонни тасвирлаш масаласида асосий гўзаллик маънавий гўзаллик бўлган. Ҳадисларда: “Аллоҳ сизнинг суратларингиз ва амалларингизга эмас, балки қалбларингиз ва ниятларингизга боқар”⁵, дейилган. Жалолиддин Румий эса тавҳид ғоясини жуда содда ва тушунарли тарзда ифодалайди. Яъни: “Ҳар бир кулимнинг ичида менинг хаёлим ва суратим бордир. У мени қандай таҳайюл этса, мен

³ Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – Б. 51.

⁴ Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – Б. 124.

⁵ Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдадир. – Тошкент: Ёзувчи, 1997. – Б. 153.

ўша хаёлдам ан”⁶, деган фикрда бўлган.

Демак, ислом динида, хусусан, тасаввуф таълимотида Аллоҳни инсон ўз тасаввуридагина яратиши мумкин, асосий эътибор кишининг ботиний оламига қаратилиши керак. Комил инсон бўлишга интилиш учун жисмни, қалбни, руҳни тозалаш зарур. Тавҳид ғояси мафкураси бадий ижодда ўша диннинг моҳиятини акс эттирувчи санъат турини танлади ва уни ифодалашга уринди. Ўрта асрлар тасаввуфшунослари, файласуфларининг асарларидаги хурфикрлилик қарашлари санъатнинг ривожига катта таъсир этди.

Шу тариқа тасаввуфдаги рамзийлик тасвирий санъат билан интеграция қилинди.

Қуръоннинг “Нур” сурасида “Аллоҳ осмонлар ва Ернинг “Нури”дир... Аллоҳ ўзининг бу нурига ўзи хоҳлаган кишиларни хидоят қилур”,⁷ дейилади.

Шунга қўра мусулмон санъатида комил инсон ғояси пайғамбарлар, валийлар, авлиёлар, донишмандлар, султонлар ва подшоҳлар қиёфасида рамзий тасвирланган.

Исломда Аллоҳнинг реалистик тасвири ёки ҳайкали тасвирланмайдиган, аммо сирли, рамзий, фалсафий белгилар, шакл ва услублар асосида миниатюра ва ҳаттотлик, меъморчилик ва наққошлик санъатлари кенг ривожланди.

Тасаввуф таълимотига қўра, маънавият рамзий маънода инсон қалбида акс этган илоҳий нурдир, яъни унга илоҳий тимсол сифатида қаралган. Инсон қалби гўзаллиги асосий гўзаллик сифатида қаралди.

Мусулмон маданиятида инсон гўзаллигини тасвирлаш масаласига Шарқнинг буюк мусаввири Камолиддин Беҳзод ўзига хос янгича ижодий услубда ёндашади. Беҳзоднинг диний асарлари ғояси бевосита тасаввуф

⁶ Жалололдин Румий. Ичингдаги ичингдадир. – Тошкент: Ёзувчи, 1997. – Б. 50.

⁷ Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. / Таржима ва тафсир муаллифи: Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт магбаа-бирлашмаси, 2007. – Б. 354.

ғоясидан олинган эди. У диний рухдаги асарларида асосан Алишер Навоийнинг бадиий меросидан кенг фойдаланди.

Камолиддин Бехзоднинг энг мукаммал ишланган суратларидан бири “Лайли ва Мажнун саҳрода”⁸ асари бўлиб, унда инсоннинг баркамоллик даражасига кўтарилиши яққол бадиий ифодаланган.

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, тасаввуф таълимотида Қуръондаги оятлардан келиб чиқиб борлиқни ҳам Аллоҳ яратган экан борлиқ, табиатдаги барча гўзалликлар Аллоҳдан, шунингдек, инсон гўзаллиги ҳам Аллоҳнинг гўзаллигининг бир сифати деб қаралди.

Мусулмон маданиятида Аллоҳ сифатлари рамзий маънода “Нур” тим солида пайғамбарлар, валийлар, авлиёлар, донишмандлар комил инсон қиёфасида тасвирий санъатда тасвирланган;

Камолиддин Бехзод ўз даврининг улуғ инсонлари ҳисобланган Алишер Навоий, Хусайн Бойқаро, Муҳаммад Шайбонийхон ва бошқа кишиларни комил инсон қиёфасида тасвирлаган. Хусусан, Алишер Навоийнинг: “Шоҳ дарвешлик фазилатига эга бўлмасдан туриб, шоҳшикка муносиб эмас”, деган фикрлари бунга мисол бўла олади. Жамиятда комил инсонларни илмли, рухий-маънавий пок кишилар тим солида тасвирлаш анъанага айланган;

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қаранг: Комилов Н. Тасаввуф. Ёзувчи. – Тошкент: 1996. – Б. 155-156.
2. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Ёзувчи, 2009. – Б. 41.
3. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – Б. 51.
4. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – Б. 124.
5. Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдадир. – Тошкент: Ёзувчи, 1997. – Б.

⁸ Қаранг: Полякова Е.А. Раҳимова З.И. Лайли ва Мажнун. (расм) Шарқ миниатюраси ва адабиёти. – Тошкент: Ф. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – Б. 28.

153.

6. Жалолiddин Румий. Ичингдаги ичингдадир. – Тошкент: Ёзувчи, 1997. – Б. 50.
7. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. / Таржима ва тафсир муаллифи: Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт матбаа-бирлашмаси, 2007. – Б. 354.
8. Қаранг: Полякова Е.А. Раҳимова З.И. Лайли ва Мажнун. (расм) Шарқ миниатюраси ва адабиёти. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – Б. 28.